

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

458 «Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1317-3

(2012 йил 7 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 230-модда) 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 29-сон, 327-модда) асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 20 январдаги 01-02/12-4-сон қарори (рўйхат рақами 1317, 2004 йил 27 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 8-сон, 102-модда) билан тасдиқланган «Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона режими тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 24 август,
01-02/12-25-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил
24 августдаги 01-02/12-25-сон қарорига
ИЛОВА

**«Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона режими
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва
қўшимча**

1. 27-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«27. Бож олинмайдиган савдо дўконининг эгаси бож олинмайдиган савдо дўконига жойлаштириладиган товарлар ҳисобини ҳисобга олиш дафтари-ни юритиш орқали (шу жумладан, автоматлаштирилган тарзда) олиб боради ва божхона органига ушбу товарлар ҳаракати тўғрисида ҳар чоракда мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда бож олинмайдиган савдо дўконидаги товарлар ҳаракати бўйича ҳисобот тақдим этади.»;

учинчи хатбошининг биринчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Охирги ёзув киритилганидан кейин ҳисобга олиш дафтари тақдим қилинган ҳисоботлар билан солиштириш учун божхона органига берилади.»;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ҳисобга олиш дафтари-нинг шакли бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўладиган маълумотлар асосида бож олинмайдиган савдо дўкони эгаси томонидан белгиланади. Бунда ҳисобга олиш дафтари-нинг шаклида мазкур Низомнинг 5-иловасида келтирилган Бож олинмайдиган савдо дўконидаги товарлар ҳаракати бўйича ҳисобот шаклида мавжуд барча маълумотлар бўлиши керак».

2. 30-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«30. Бож олинмайдиган савдо дўкони эгаси божхона органи билан келишган ҳолда бож олинмайдиган савдо дўконини ишлатиш қоидаларини тасдиқлайди.»

3. 31-бандда:

биринчи хатбошидаги «тадбирларда» деган сўз «қоидаларда» деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «ҳисобга олиш» деган сўзлардан кейин «дафтари-нинг» деган сўз билан тўлдирилсин;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

4. 32-банддаги «мазкур тадбирлар» деган сўзлар «мазкур Низомнинг 31-бандида кўрсатилган қоидалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 5-илова мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён қилинсин.

«Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона
режими тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартишлар ва қўшимчага
ИЛОВА

«Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона
режими тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

39 (539)-сон

**Бож олинмайдиган савдо дўконидаги товарлар ҳаракати бўйича
ҲИСОБОТ**

Т/р	Божхона юк декларацияси рақами	Товар номи	Бож олинмайдиган савдо дўконидадан чиқарилган товарларнинг				Изоҳ
			дўконидадан чиқариш санаси	вазни (кг)	қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори (литр, дона)	қиймати	
							».

— 65 —

458-модда